

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 175 (7. 264)

1990 йил 3 август, жума

Баҳоси: 3 тийин.

Истиқболни кўзлаган янглишмайди

Дадиллик керак

ҲОЗИР кўпгина машинасозлик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб турибди. Афсуски ҳол-ва дегани билан энгиз чўчимаЙди. Бунинг учун машинасозлик соҳасидаги эмас, бошқа соҳаларда ҳам «ақлли машиналар» зарурини ҳеч кимга сир эмас. Бу борада дадил қўл уриш керакка ўхшайди. Негаки, шу йилнинг биринчи ярмига назар ташласак, шаҳардаги 19 та машинасозлик корхонасида 328,5 миллион сўмлик муҳим маҳсулот турлари ишлаб чиқарилганлигини кўрамиз. Энди ўтган йилнинг шу даврида бу борада эришилган натижага қиё боқсак, товар маҳсулотлари ҳажмида уларнинг салмоғи 5,9 фоизга пасайганлигини ва 58,6 фоизни ташкил этганлигини кўрамиз. Худди ўтган йили бўлганидек, бу йил ҳам ана шу маҳсулотларнинг ярми жаҳон талабларига жавоб берди, ҳоло.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, «Подъемник», Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Тошкент электр машинасозлиги, «Компрессор» корхоналарида маҳсулотларнинг муҳим турлари бўйича қувончли ютуқларга эришилди — уларнинг ҳаммаси жаҳон техникаси даражасида бўлди.

Аммо бундай фикрларни СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи», Тошкент тўқимачилик машина-

созлиги, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва асоссозлик заводини нисбатан айта олмаймиз. Маҳсулотларни янгилаб бориш суўратлари ўтган йилгига нисбатан суўстроқ бораётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Мамлакатимизда биринчи марта ўзлаштирилган маҳсулотлар ялпи салмоғи товар ишлаб чиқариш ҳажмида ўтган йилнинг биринчи ярмида 6,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ана шу вақт ичиде 3,9 фоизни ташкил этди. Агрегат, «Миконд», экскаватор, подшипниклар ремоти корхоналари эса бундай маҳсулотларни умуман ишлаб чиқармади.


Шаҳар машинасозлик корхоналарида рақамли дастур билан бошқариладиган 23 та металл қирқувчи дастгоҳлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги корхонасида эса иккита санавот «ақлли машинаси» жорий этилди. Бу эса қўл меҳнатини анча қисқартириш ва иш унуми ҳамда сифатини кўтариш имконини берди. Ўрта Осиё кабелъ, электр аппаратлари, «Сигнал» ишлаб чиқариш бирлашмалари, машинасозлик заводида янги техникани жорий этиш бўйича ишлар олиб борилаётганлиги афсусландирди. Ўйлаймизки, тараққиёт истиқболни кўзлаган пешқадам корхоналарнинг бу борада қўлга киритаётган ютуқлари уларни ҳам машинасозликда янги марраларга ундайди.

Х. ИМОМОВ.

Тонгги рўзномаларда

Космик фазони тадқиқ этиш программасига биноан 1990 йил 1 август куни Москва вақти билан соат 13 дан 32 минут ўтганда кема командири Геннадий Михайлович Манаков ва бортижеренер, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Геннадий Михайлович Стрекаловдан иборат экинаж бошқарадиган «Союз ТМ-10» космик кемаси учурилганлиги кеча рўзномаларда эълон қилинган эди. Бугун рўзномаларда парвознинг биринчи куни ҳақида ТАСС хабари ҳамда фазогирларнинг таржимаи ҳоли берилган.

1 август куни Андижонда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Андижон вилоятининг иқтисодий-иҷтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир биринчи таллағи чора-тадбирлар масаллари кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Республика рўзномаларида ана шу мажлис ҳақида ҳисобот эълон қилинган.



БУНЕДКОРЛАР. Районда қад кўтарайтган бинолар қурилишида 12-трест 50-қурилиш бошқармасининг илгор қурувчилари — участка бошлиғи Валерий Урюпин ва гинт терувчи Зокир Тешибоевлар фидойилик кўрсатишмоқда.

Келаси йил ҳисобига

Райондаги шиналарни таъмирлаш корхонасида ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилини муддатидан илгари яқунлаш учун социалистик мусобақа авж олдирилмоқда. Бунда Н. Рафиқов бошлиқ бригада аъзолари илгорлар сафида борапти.

Бугунги кунда мазкур бригада жамоаси келаси йил ҳисобига меҳнат қилиб, йиллик топшириқни 84 минг дона шинани қайта тиклаш билан нишонлади.



Сергели райони:

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХУШХАБАРЛАР

Кўпчиликка манзур

«КОМФОРТ» ошхона мебеллар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси томонидан тайёрланган буюмлар борган сари аҳоли таҳсинига сазовор бўлмоқда. Айниқса йирик ва кичик ҳажмдаги ошхоналар учун чиқарилаётган жиҳозлар термаси кўпчиликлан манзур.

БУГУН бирлашма аҳли кичик ҳажмли ошхона мебеллари термасининг янги нусхасини тайёрлади. Бу янги ишлаб чиқарилаётган жиҳозлар шахримиз аҳолисининг талаби ва истақлари асосида харидорларга етказиб берилмоқда.

Талаб ортиб бормоқда

ОКТИБРЬ 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи қўлчилари талаб ортиб бормоқда. Шу йилнинг иккинчи уч ойлигида корхона фақат Чилонзордаги Саъдо марказининг ўзида 7000 та тикувчи маҳсулотини сотишга муваффақ бўлди. Бу ишлар ва ўсимлар учун мўлжалланган 11 хилдаги шимлар 75 минг сўмни ташкил этди. Корхона маҳсулотларига фақат жум-

ҳуриятимиздагина эмас, балки бошқа жумҳуриятларда ҳам талаб катта. Ҳозиргача аҳил жамоа томонидан фақат болалар учун 40 минг сўмлик, қариялар учун 7 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Йил охирига бориб корхона ўзининг янги ишлаб чиқариш биносига эга бўлади. Бу бинонинг ишга тушиши ўз навбатида маҳсулотларнинг янада рағбат-баранг ва сифатли бўлишини таъминлайди.



ЧЕВАРЛАР. Райондаги марказий ателье ҳар ойда аҳолига 10 минг сўмлик хизмат кўрсатмоқда. СУРАТДА: ёш чевар М. Тошкенбоева, моҳир тикувчи В. Себро ва биқиччи Д. Хадралиева.

Барча қулайликлар яратилади

РАЙОНДАН шаҳарга чиқаришда қўлаб юзори қаватли турар жой бинолари қад кўтармоқда. Ҳадемай, бу уйларида ўнлаб ҳамшаҳарларимиз уй тўйларини ўтказишди. Ана шу беш, тўнча, ўн олти қаватли уйлари йилда БУГУН савдо расмисини дастлабни пойдевори қўйилди. Йил охирига қадар фойдаланишга топширилган бу мансий хизмат расмисини район аҳолиси учун барча қулайликлар яратилади. Бугунги кунда район умумий овқатланш корхонасида йил бошидан бери

ўн та яхши ошхона ва корхоналар фойдаланишга топширилди. Чоштепа кўчасидаги 200 ўринли «Дўстлик» ошхонаси қайта таъмирланди. «6-Қўйлиқ» турар жой даҳасида иккинчи йиллар учун мўлжалланган 72 ўринли «Орау» қаҳвахонаси хизмат кўрсата бошлади. Транспорт бекатларида йўловчилар учун қулай бўлган «Вир зумла» қаҳвахонаси ишга туширилмоқда. Йил охиригача бозор ўрнида 120 ўринли, Саъдий кўчасида 150 ўринли янги умумий овқатланш корхоналари қурилади.

Ойнаи жаҳонда — «Дўстлик» кўрсатуви

ЭРТАГА, 4 август куни соат 14 да Ўзбекистон ойнаи жаҳонидан «Дўстлик» янги видеоналиги ўз кўрсатувларини намойиш этади. Яқшаба кунини яна қайта намойиш этиладиган ва қариб беш соатга чўзилган бу кўрсатувда жумҳуриятимиз ҳудудда истиқомат қилувчи бир қатор милаҳат вақтларининг ишлари, ташвиш ва муаммолари ўз аксини топган. Шуниси диққатга сазоворки, кўрсатувларнинг ўз она тилларида олиб борилади.

«Дўстлик» видеоналигининг бундай кўрсатувларини Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг бундан ярим йил муқаддам ташкил этилган ана шу ном билан аталуви бош муҳарририяти тайёрламоқда. Жумҳурият ойнаи жаҳони тарнибида ана шундай кўрсатувнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги Қонуни ҳаётга тадбиқ этила бошлаганлигининг натижасидир. Бу Қонун жумҳурият ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқ ва элатларнинг маданияти ва тилини эркин равишда ривожлантиришга нафолат беради. Бу ўринда шунини таъкидлаш керакки, «Дўстлик» бош муҳарририяти ана шундай кўрсатувларни мунтазам равишда бешта тилда — татар, қрим татар, корей, тожик, қозоқ тилларида олиб бормоқда. Иккинчи умумиттифоқ дастури орқали ушбу видеоналигини намойиш этилиши уни жумҳуриятимиз барча бурчаларида истиқомат қилувчи аҳолининг деярли ҳаммаси кўришига имкон беради. «Дўстлик» муҳарририяти ходимларининг фаолияти кўрсатувларни фақат беш тилда олиб бориш билан чекланмайди, балки бундай кўрсатувлар бундан буён ҳам бошқа тилларда, жумладан ўзбек ва рус тилларида ҳам тайёрланади.



Янги ўқув йилига шаймисиз? **БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ МУАММОЛАРИ**

Ҳўш, фарзандларнинг лайраб-йинаб ўсишлари, пухта билим олишлари, узоқ йиллар давомида биз тилдан қўймаган «бахтли болалик»га том матнода эришишлари учун, ўғиниши қўя турайлигу, айни пайтда нималар қилишга қодирмиз? «Хамма яхши нарсалар — болаларга». Қани уш яхши нарсалар? Лоақал мактабларининг илмий-техникавий жиҳозланиши, ўринлар қўламини, тарбия савияси замон талаблари даражасидами? Ва, ниҳоят, ҳатто Тошкентдаи шаҳри азияда ҳам ўрта билим даргоҳлари етарли даражадами? Бу саволлар шаҳар халқ таълими раҳбариятининг олдий бир вақилин сифатида ёлғиз меин эмас, назаримда, барча ҳамшаҳарларимизни бир хилда

ўйлантирса керак. «Оқшом» рўзномасидан буюртма олганимдан кейин мазкур масалалар устиде узоқ боз қотирдим. Бошқармада мен асосан мактаблар тармоқларини кенгайтириш, қуришиш, ўқув қуроллари ва жиҳозлар таъминоти каби ишлар билан шуғулланаман. Аммо насбим педагог бўлгани учун ҳам асосий мавзу билан бир қаторда кўнгилга туғиб қўйган бошқа баъзи муаммоларни мухтарам муштарийлар эътиборига ҳавола қилишга жазм этайман.

Халқ таълими вақилининг қуюнчаклик билан билдирган фикрларини рўзноманинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг

АХБОРОТИ Шу йил 29 июлда ўтказилган Тошкент шаҳар Совети депутатлари сайловини яқунлашга кўра: — Ҳамза районидеги 195-сайлов округидан шаҳар Со-

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлари сайловини ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг АХБОРОТИ

Шаҳар сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияси тақдим этган протоколларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатларининг сай-



ҲАМШАҲРИМИЗ ФИНАЛДА

даси 53 та олтин медалини қўлга киритиб, пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда АҚШ терма командаси бормоқда. Бокс бўйича 60 килограмм вазнлилар ўртасида бўлиб ўтган учрашувда ҳамшаҳримиз Артур Григорян Америка Қўшма Штатлари вақили Р. Мосли устидан галаба қозониб, финалга йўллама олди. Волейболчилар туринининг «В» группасида СССР эркаклар терма командаси франциялик спортчиларни 3:0 ҳисобида

мағлубиятга учратди. Уч турдан кейин АҚШ волейболчилари унга, СССР терма командаси эса иккита галабеге эришди. 1—4 ўринлар учун ўтказилган эрим финал учрашувиде СССР волейболчилари кубкалар билан, Америка Қўшма Штатлари эса италияликлар билан учрашди. Хоккей бўйича «А» группадиги 3-тур мусобақалари қўйилган натижаларда яқунладиги СССР—Швейцария—4:2, АҚШ—ГФР—9:3, уч турдан кейин СССР хоккейчилари 6 АҚШ эса 4 очкога эга.

540 минг йўловчи кўп ташилди

12-АВТОБУС парк жамоаси ҳар куни 8 маршрут бўйлаб 100 мингдан ортиқ йўловчи ҳолатини чиқаради. Ҳозир корхонада маршрутдаги машиналар қатновининг аниқ график асосида хизмат кўрсатишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунда 75-маршрут бригадари, ҳозир келаси беш йиллик ҳисобига ишлаётган А. Сбродов, шаҳар Советининг депутати, 40-маршрут бригадари А. Йўлдошев бошқаларга иборат бўлишмоқда.

Аҳил жамоа шу йилнинг олти ойи нчиде 17 миллион 400 минг йўловчига хизмат кўрсатиб, пландан ташқари 98 минг сўм фойда берди. Бу ўтган йилнинг шу олти ойига нисбатан 540 минг кўп йўловчи ташилди демандир.

Яқинда корхона Павловода тайёрланган «35—02» маркази қулай автобуслардан ўн та олди. Бу машиналарнинг ҳаммаси 18-маршрутлик такси хизматига қўйилди. Бу билан кўпчиликнинг метронинг «Чилонзор» станциясидан эски Сергелига бориш учун жуда қулай бўлади.

Фарзандлар қувончи

Ҳозир районда йиғирмата болалар богчаси, ўн саккизта мактаб аҳоли хизматига бўлмоқда. БУГУН 8-Сергели турар жой даҳасидаги 640 ўринли богча қурилиш ниҳосига етказилди. Йил охирига қадар 8 «а» Сергели турар жой даҳасида яна 320 ўринли богча фойдаланишга топширилади. Район халқ таълими бўлими кўп турар жой бинолари ишга туширилаётганлигини ҳисобга олиб мактаблар қурилишига катта аҳамият бермоқда. Бугунги кунда 7-Сергели турар жой даҳасида қурилайтган 2215 ўринли мактаб ҳадемай ўқувчиларни қабул қилади. Яна бир шунга ўхшаш 1571 ўринли мактаб қурилиши ҳам 8-Сергели турар жой даҳасида ниҳосига етказилади.

Район янгиликлари билан тақиништирувчи Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

(Давомий. Боши 1-бетда).
ПОПТАХТИМИЗДА 300 та яқин ўрта таълим масканлари, 14 та хунар-техника билим даргоҳлари бор. Бу ҳисобга қўпгина вазирликлар ихтиёридаги тармоқ билим юрталари кирмайди. Мақтабларимизда бугунги кунда жами 317 миң 500 нафар йигит-қизлар таълим олди. Бу йил esa уларнинг сафинга яна 3 миңдан ортиқ жижакларимиз келиб қўшилиди, хунар-техника билим юрталаримиз esa 1 миң 190 нафар ёшларни ўз бағрига олади. Булардан ташқари ихтисослаштирилган ҳамда оддий мактаб-интернатлар, ва болалар уйларига жорий йилда 4,5 миңдан яқин кичиктойларни қабул қилиш ниятдамыз.

Бу рақамларни мен беиз тилга олаётганим йўқ. Гап шундаки, ана шу эришганликларимизни, ҳаққимиз келмагани, умримиз гунаҳларини кийинтириш, уларга илм даргоҳларида энг аъло шарафлар яратиш берилди борасида, оқиб эътироф этиш керакки, жиддий тўсиқларга дўшвор бўлаётимиз.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ МУАММОЛАРИ

Бу фикрнинг исботини мактаблар ва болалар ўқув даргоҳлари қурилиши ва таъмири мисолида яққол кўриш мумкин. Биз ошқоора ва демократия йўлига чиқиб олдик, шахс эркинлиги, миллат ва эллатларнинг эъларини тан олдик, байналмиллат принциплар неғизиде миллий руҳнинг уйғона бошлаш, миллий мероснинг тикланаётганини, она тилимизнинг ўз мавқеини тиклаётганини — буларнинг ҳаммаси қайта қурилиш илк меваларидир. Бида энг муҳими саҳоват ва меҳр-оқибат туйғуларига қайтадан камол топа бошлади. Бундан шун қўшма билан қўриш мумкин. Бу фақт тўқсонда ҳам кўриш мумкин.

Б—1 мавзеидаги мактаб—апрель, Чилонзор—30, Сергели—7, Сергели—8 мавзеидаги мактабларнинг қурилиши шунингдек, Кирон районидаги 117-мактабни қуриштириш шунингдек, 76-мактабни ва Қўйибашев районидаги 375, 379 ва 384-болалар богчаларининг марказий иситиш тармоғига улаш, Кирон районидаги 271, 272, 281 ва 433-болалар богчаларидаги тазолаш шохобчаларининг канализация тармоғига улаш имконини беради.

Ҳақиқатта ражалаштирилганга қўшма равишда яна 61 та муассасани таъмирлаш, шунингдек, Кирон районидаги 117-мактабни қуриштириш шунингдек, 76-мактабни ва Қўйибашев районидаги 375, 379 ва 384-болалар богчаларининг марказий иситиш тармоғига улаш, Кирон районидаги 271, 272, 281 ва 433-болалар богчаларидаги тазолаш шохобчаларининг канализация тармоғига улаш имконини беради.

Ана шу гоьдан келиб чиқиб айталикчиманки, аввало, болаларнинг шўхликларининг бир мунча тийиш мумкин, аммо асло жилволаб бўлмайдми. Шу зарарни бир мунча камайтириш учун билим даргоҳларида таълим-тарбия ишлари ниҳоятда юксак бўлиши лозим. Очганини айтганда, бу хилдаги шўхликлар туфайли етказилган зарар (деграза ойналарининг синиши, сантехника жиҳозлари, мактаб буюмлари сафдан чиқиши ва ҳоказо) камайиши учун ҳам биз халқ мактаблари қурилиши битмай туриб, директорларни тайинлаб қўйишга мажбуримиз.



● ЗАМОНГА МОС ЛИБОСЛАР. Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари Нодира Турсуновнанин орузси ана шундай либослар тикишиди. Х. Мирзакаримов суратлари.

ишни Халқ таълими вазирлиги ихтиёридаги ҳўжалик ҳисобидеги қўриш шохобчалари бажариши лозим эди. Бошқа қурилиш буюмлари esa «У йўқ-бу йўқ», дегаз баҳоналар билан зиммадеги вазирлигининг ихтисоси охирига етказилмайтми. Яхиямики, баҳтимизга ширкат қурилиш ташкилотлари бор экан, улар билан бир амаллаб тил топишайми. Оқибатда 16-хунар-техника билим юрталари бўйича қурилиш-монтаж ишларига ажратилган 1 миллион 159,9 миң сўм ўзлаштирилди, бу соҳадаги режаларимиз 100 фойз амалга оширилди.

Шу ўринда эўр мамнуният билан бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман: шаҳримиздаги оталик корхоналари мактаб қурилиши ва таъмири ишларида ҳамон бошнинг энг яқин таянчларимиз бўлиб қўлишмоқда. Ҳамои, деб таъкидлаганимиз сабаби шундаки, ҳўжалик ҳисобидеги ишлаётган бу корхоналарда ҳар бир сўмининг ҳисоб-китоби бўлгани ҳолда улар кичиктойларимизнинг тарбияси, яхши билим олишлари учун ўз ҳимматларининг дариг туттишмайтми.

Хуллас, кўпчилик ўйлагандек, маорифчиларнинг аксарияти сўнгги қўнғироқдан биринчисига ҳам олишмайди, аксинча, муаммоларни ҳал қилиш учун елиб-югуришади. Аммо ҳар қандай қўнғироқчиларга ҳам бардошлмиз, фақат тарбия масканилари мавсумга шай бўлса, бас. Асл муддаомиз — шу.
Т. НУРМУҲАМЕДОВ,
 Тошкент шаҳар Совети икромия комитетининг ҳалқ таълими Бош бошқармасининг бошлнниинг ўринбосари.

Жумҳурият ангиликлари

Яқинда ишга туширилади

Ормоникиде районида бунёд этилаётган бир марта фойдаланиладиган шприцлар заводи асосий ишлаб чиқариш корхонисининг монтежи ихтисосига етказилди. Авал хабар берилганидек, Ифонианинг «Фабберсантас» фирмаси шўбу корхонани қуриб, қалибини топиштиришга киришиг эди. Ҳозир заводнинг ташкили қўришниш қишилар кўз ўнгида пайдо бўлмоқда. Бу кумушимон рангли эндавич-панеллар деб аталган енгил материаллардан бунёд этилаётган ихчам бина сонавот корхонасидан кўра нимаси биландир илмий фантастик асарлардаги корхонани эслатади.



● УСТОЗ МЕХРИ. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мураббийси Н. Бондарь шоғирди В. Шариповга касб сирларини ўргатмоқда.

«Совпластитал»: амалий ёндошув намунаси

СССРдаги биринчи Совет—Италия «Совпластитал» корхонасида янги технология ускуналарини ўрнатилга ҳозирлик қилинмоқда. Ускуналарни Италиянинг «Монтек» фирмаси етказиб беради. Маълумки, корхона ана шу фирма билан муостаҳкам амалий алоқа ўрнатган. Бу esa тошкентликлар ва мамлакат бошқа шаҳарлари аҳолисига гоьт манзур бўлган пластмассадан таёйрланадиган манзарали безаклар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради. Шуниси диққатга сазоворки, корхонада янги ишлаб чиқариш корпуси тўла-тўқис фойдаланишга топширилишини кўтиб ўтирмай, ускуналар бирин-кетин ўрнатилмоқда ва улар ишлатила бошланмоқда. Масалан, рангли пластмассадан катта ҳажми буюмлар ишлаб чиқариладиган цех ишга туширилди. Цех ҳар ойда бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

Тошкентлик кимёгарлар муваффақияти

«Ўзбехтхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бешинчи марта фанрий мукофот — СССР Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати вазирлиги ҳамда тармоқ касба уюшмаси марказий комитетининг кўчма Қизил байрогини олишга сазовор бўлди. Мамлакат турдош корхоналари орасида иккинчи квартал якунларига кўра социалистик мусобадада голиб чиққанлиги учун тошкентлик химиклар байроқ билан тақдирландилар. Пландаги 15,3 миң тонна ўрнига 15,8 тонна кир қовиш порошог ишлаб чиқарилиди ва савдо тармоқларига жуъа-

Орол бўйи учун

Сунъий иқлим яратиш ва чала тўғилган болаларни парварилаш учун Венгриядан Хоразм вилоятига йигирметадан кўпроқ аппарат олиб келинди. Янги ускуналар тазобот муассасаларига бўлиб берилди. Экологик фалокат рўй берган ерлардаги аҳолига, Орол бўйи кесал хоналарига бошқа мамлакатлардан ҳам ердэм бермоқда. Урганч ва Хева болалар поликлиникаларининг табиий доволаш хоналарида Болгариянинг «Темэкс» деб аталган нефас олчилар пайдо бўлди. Қўшқўри район болалар касалхонаси иккинчи томирга тинимсиз қон ва дори-дармон қўйиш учун мўлжалланган «Линеномат» аппаратларини олди. Вилоятнинг кўпгина шифохоналарига қисқа тўққизинчи эхсонклар ва Ветанимизда ишлаб чиқарилинган бошқа асбоблар келтирилди. [ЎЗАТГ]

Хориждан хабарлар

Яқин, Ўрта Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида

● ҚОҲИРА. Қоҳирадаги халқаро анжуманлар саройида ислом конференцияси ташкилотига (ИКТ) аъзо бўлган мамлакатлар ташки ишлар министрларининг конференцияси очилди. Бу муътабар анжуман ишда ИКТга кирувчи 45 мамлакатнинг делегациялари, кўпгина халқаро ва маҳаллий ташкилотларнинг махллари қатнашмоқдалар.

Миср Араб Республикасининг Президенти Хусни Муборак ислом давлатлари ташки ишлар маҳкамаларининг бошлиқлари ҳузуринда сўзлаган нутқиде бу мамлакатларни мавжуд ихтилофларни бартараф этишга ҳамда ҳамкорлик ва бирдамликни муостаҳкамлашга ҳаракат қилишга чақирди. Дўқўпсаддан ва куч ишлатишдан воз кечини, муаммоларни ҳамжиҳатлик ва мулоқот

ассоцида ҳал этиш зарур деб таъкидлади у. Президент Муборак ислом оламиинг стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни дунёда рўй бераётган туб ўзгаришларга мувофиқлаштириш муҳимлигини таъкидлади. У ИКТнинг янада фалолроқ роль ўйнаши лозимлигини айтди.

Анжуман қатнашчилари ислом оламининг энг долзарб муаммоларини муҳокама қилишга киришди. Кун тартибига 68 та масала, шу жумладан Фаластин мунғаммоси ва Яқин Шарқдаги тағлиқни одилона бартараф этиш йўллари, Ливанд ва Форс кўрфазинда тинчлик ва барқарорликка эришиш, афгон муаммоси, бошқа мамлакатлардаги оочликларнинг ташкил этиш усуллари, муаммоларнинг ахлови каби масалалар киритилган.

Анжуман беш кун давом этади.

● ҚОҲИРА. Саудия Арабистонининг Жийда шаҳрида Ироқ билан Кувайт ўртасида бевосита муозакара бошланди. Бу муозакаралар кейинги вақтларда рўй берган тағлиқ вазиятнинг бартараф этишга бағишланган. Муозакараларнинг биринчи кунини нефтининг нархи ва чегарадаги қонлар турғисидаги, шунингдек Ироқнинг Қувайтдан қарзлари ҳақидаги масалалар кун тартибига кириштилади. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, охири пайтда томонларнинг ўзаро ҳудудий даъволари турғисидаги масала ҳам кирилди. Ироқ билан Кувайт ўртасидаги мунособатларда кескинлик бир мунча юмшай

МЕЪМОРЧИЛИК МЎЪЖИЗАЛАРИ



● ШВЕЙЦАРИЯ. Муқаддас Маргретен шаҳарчасида қурилинган ана бу уй одатдан ташқари қийфага эга. Бирини киришнинг кўзгудеги аксини эслатувчи ҳар ик-

ки бино қурилиш тугаллаганидан кўйринкига ўхшайди. Кейстон-ТАСС сурати.

(ТАСС).

